

Доктор Аҳмад ал-Дубаян: Ўзбекистон тарихий мақомга эга мамлакат



11:55 / 02 декабрь 266

Буюк Британияда ташкил этилган Ўзбекистон маданий мерос ҳафталигида ушбу мамлакат олимлари юртимизнинг юксак маърифий салоҳиятини алоҳида эътироф этмоқда.

Лондондаги Ислом маданияти маркази раҳбари, доктор Аҳмад ал-Дубаян бу ҳақда қуйидаги фикрларни билдирди:

– Ўзбекистон жуда муҳим тарихий мақомга эга мамлакат саналади. У Марказий Осиёнинг юрагидир. Тарихга назар ташласак, Ўзбекистон нафақат Буюк ипак йўлининг асосий қисми экани, балки араб дунёсига илм-фанни ҳам етказиб берганини англаш мумкин.

Илм-фан ҳақида сўз юритадиган бўлсак, бу борада Ўзбекистоннинг ҳиссаси беқиёсдир. Кўплаб улуғ олимлар айнан шу юртдан етишиб чиққан. Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк зотлар Ўзбекистон фарзандларидир.

Ўзбекистон ҳақиқий ислом маданияти ва меросининг юраги ҳисобланади. Афсуски, сўнгги асрларда кўплаб мусулмонлар бу ҳақда етарлича хабардор бўлмади. Энди ушбу маданиятни очиб бериш, дунёга намойиш

этиш вақти келди. Ҳар бир мусулмон адабиёт ва тарихни ўрганганида, Самарқанд, Тошкент, Термиз каби шаҳарлар, Имом Бухорийдек буюк алломалар номларига дуч келади. Бу муборак номлар доим тилга олинади, деярли ҳар куни эшитилади. Улар бизнинг қалбимиз, маданиятимиз, меросимизнинг ажралмас қисмидир.

Ислом маданиятини улкан мозаика сифатида тасаввур қилсак, Ўзбекистон унинг марказида жойлашган муҳим бир бир қисмидир. Агар у бўлмаса, умумий тасвир тўлиқ бўлмайди. Айнан шу сабабдан ҳамкорлигимизни Ўзбекистондан бошлаш вақти келди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг диний-маърифий соҳага қаратаётган юксак эътибори тўғрисида мамлакатингизда бугун Ислом цивилизацияси маркази, Халқаро ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий каби илмий марказлар ташкил этилди ва буни катта миннатдорлик билан эътироф этиш керак.

Бу минглаб, юз минглаб инсонларни Ўзбекистонга жалб этади. Улар билим олишади ва ўзларини, ўз тарихларини яхшироқ англашади. Бу ерда кўплаб қизиқарли тарихий жойлар бор. Биз уларни болалик пайтимизда китобларда ўқиганмиз. Энди эса бориб ўз кўзимиз билан кўриш вақти келди. Бу санъат, тарих, архитектура, қўлёзмалар ва бошқа жиҳатларга қизиққан ҳар бир инсон учун катта имкониятдир.

Исломий илмий мерос бу Ўзбекистоннинг юраги. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбаридан туриб Ислом тинчлик дини эканини таъкидлагани барчамизни тўлқинлантирди.

Бугун дунё ислом маърифатини англаши, ёш авлодга етказиши керак. Бу борада Ўзбекистон етакчисининг олиб бораётган сиёсати, ислохотлари дунёга ўрнак. Ҳозирги замонавий даврда, технологиялар ва коммуникация ривожланиши асрида биз эшикларни янада кенгроқ очиб, бу меросни дунёга намоиш қилишимиз керак. Уни нотўғри тушунганлар келиб, ўзлари Ўзбекистоннинг юксак маърифий салоҳиятига гувоҳ бўладилар.

Мисол учун, Ўзбекистондаги архитектура, санъат, адабиёт, маданий қадриятлар – буларнинг барчаси ушбу халқнинг ким эканини, қандай меросга эга эканини англашга ёрдам беради. Бу мамлакатнинг ҳақиқий юзини очиб беради ва ҳар қандай нутқдан кўра самаралироқ бўлади. Айниқса, Ислом ҳақида нотўғри ахборот олган инсонлар бу ерга келиб, борини ўз кўзлари билан кўрсалар, ўзлари барча ҳақиқатни тушуниб

олишади. Сайёҳлик, айниқса зиёрат туризми, келажакда Ўзбекистоннинг асосий устунларидан бирига айланади. Бу мерос нафақат мусулмонларни, балки мусулмон бўлмаганларни ҳам ўзига тортади. Улар Ўзбекистонга бориб, бу улуғ маданиятни ўз кўзлари билан кўришлари керак.

Н.Усмонова,

ЎЗА